

Н.Ж.Бобомуродова
Бухоро давлат университети
Экология ва география кафедраси катта ўқитувчиси

ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА ТАЪЛИМИЙ-АХЛОҚИЙ ҚАРАШЛАР ТАЛҚИНИ

Аннотация: мазкур мақолада қомусий олим Иб Синонинг таълимий-ахлоқий қарашлари, илм, тафаккур ҳамда устоз бурчи тўғрисидаги ғоялари мазмуни талқин келтирилган.

Калит сўзлар: таълимот, илм, маърифат, тафаккур, таълим, баркамол шахс.

N.J. Bobeathmurodova
Bukhara State University
Senior Lecturer of the Department of Ecology and Geography

IN THE TEACHINGS OF IBN SINA, THE INTERPRETATION OF THE EDUCATIONAL AND MORAL VIEWS

Annotation: In this article, the content of the teachings and moral views of encyclopedic scholar Ibn Sina, the content of the ideas about the teachings of the Iinah, science, thinking, and the Master duty.

Keywords are: doctrine, science, education, teeth, perfect person.

Олиму фозиллар юрти бўлмиш Бухоройи Шариф асрлар давомида жаҳон илму-фани ва маданиятига юзлаб алломаларни етиштириб берганлиги сир эмас. Дунёга машҳур буюк ва зариф донишмандлар ижод қилган Бухоронинг илмий-адабий муҳити, санъат тарихи, маданий тамаддун сифат хусусиятларини кузатиш ғоятда мароқли.

Сомонийлар давлати таркиб топиб, сиёсий ва маданий ҳаётнинг гуллаб яшнаши даврдан бошлаб илм-фан тез суръатларда ривож топди. Сомонийлар давлатининг маркази бўлган Бухоро шаҳри йирик фан ва маданият ўчоғига айланди ва Шарқнинг турли томонларидан илм истаб келганлар бу гўшадан мурод ҳосил қилдилар.

Араб халифалигидан сиёсий ва маъмурий томондан деярли мустақил бўлган давлатда араб маданияти ўрнига қадимий маданий анъаналарнинг кўллаб-қувватланиши ҳамда рағбатлантирилиши бетакрор дурдоналарнинг яратилишига сабаб бўлиб, фалсафа, мантиқ, риёзиёт, табиийёт, тил ва адабиёт, шеърият соҳасида улкан ютуқларнинг қўлга киритилишига олиб келди.

Шу даврнинг машҳур донишманд алломалари қаторида, бутун башариятнинг барча даврларда том маънодаги буюк даҳо мутаффақир

фарзанди ҳисобланган Ибн Синонинг номи алоҳида фахр ҳамда эътироф билан тилга олинади.

Фаннинг 40 дан ортиқ соҳалари билан шуғулланиб илмий хулосалар ҳамда кашфиётларга эришган ибн Сино ҳам бошқа мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини ижтимоий-фалсафий қарашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалаган, махсус рисоаларда талқин этган.

Ибн Синонинг ранг-баранг услуб ҳамда хилма-хил жанрларда ёзган рисоалари негизида маърифат асосида жамиятни равон ривожини, осуда ва саодатли турмушни таъминлаш, ёвузликни йўқотишга хизмат қилувчи, соғлом тартиб–интизомни яратиш, идеал ҳумдор, ватан ва халққа бўлган бетакрор муҳаббат ғоялари ётади.

Шунингдек, ақл тафаккурни ҳамма нарсадан устун қўйиш, илму донишга интилиш, инсонпарварлик, эзгулик ғояларига йўғрилган қарашлар мутафаккир ижодида марказий ўринни эгаллайди.

Аллома инсон тафаккурининг сарчашмасини илм деб билади. У илм туфайлигина ақл ва дидни камол топтириш, ҳаёт зиддиятларига қарши кураша олиш, айна дамда олам сирларини билгувчи даражада етувчи зотга айланиш мумкинлигини эътироф этади.

Шу билан бирга инсондаги улуғ фазилатлар, дилбар, нафосатли руҳий хиссий туйғуларнинг камоли ҳам илм ва унга амал қилиш асосида собит бўлишини қуйидагича баён этади: «Эй биродарлар! Одамларнинг ботири мушкулотдан кўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг кўрқоғидир»

Зеро, маърифатли киши жасур, ўлимдан ҳам кўрқмайдиган, фақат ҳақиқатни билиш учун ҳаракат қиладиган бўлади, дейди у фикрини давом эттириб.

Билимсиз кишилар жоҳил бўлади, улар ҳақиқатни била олмайдилар, деб уларни етук бўлмаган кишилар қаторига қушади. Бундай кишилардан илмий фикрларни сир тутиш кераклигини таъкидлайди.

Билим олишда болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълимда қуйидаги томонларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:

Билим бериш жараёнида болани китобга ҳаддан ташқари банд қилиб қўймаслик;

таълимда оддийдан мураккабга қараб бориш орқали билим бериш; топшириқ ва машқларни бажаришда болаларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш;

таълим беришда жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш; билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;

Ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш.

Бу талаблар ҳозирги давр таълим-тарбия жараёнида қўлланиладиган таълим тамойилларига ҳам мос келиши билан қимматлидир.

Олим «Тадбири манзил» асарининг «Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш» бўлимида таълим-тарбия жараёнида ўқитувчи-устознинг бурчлари ҳақида алоҳида тўхталлади.

Ўқувчига билим бериш ўқитувчининг маъсулиятли бурчидир. Ибн Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, қуйидаги йўл-йўриқларни беради:

- Ўқувчилар билан ўзаро мулоқот ва муомалада босиқ, жиддий бўлиш;
- берилаётган билимларнинг ўқувчилар томонидан қай тарзда ўзлаштириб борилаётганлигига эътибор қаратиш;
- таълим жараёнида турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- ўқувчининг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши;
- фанга қизиқтира олиши;
- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши;
- билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериши;
- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиши зарур, дейди олим

Ибн Сино ўз илми, мероси билан ўрта аср Шарқининг илмий маданий кудратини бутун дунёга намоён қилди. Бутун инсоният маданиятининг ривожига улкан ҳисса қўшди.

Унинг таълимотидаги илмий-ирфоний, маънавий-ахлоқий, таълимий-тарбиявий қарашлардан мустақил республикамиз келажагини барпо этувчи ҳар томонлама етук, баркамол шахсларни вояга етказиш ва шакллантириш жараёнида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаев К. Ф., Бобомуродова Н. Ж., Кобилжонов К. К. Высокая духовность основа экологической культуры //Научное пространство: актуальные вопросы, достижения и инновации. – 2020. – С. 5-8.

2. АБДУЛЛАЕВ К. Ф. Мыслители востока о педагогической профессии //Культура мира и ненасилия подрастающего поколения: ракурсы интерпретации и педагогические условия развития. – 2020. – С. 117-120.

3. Вохидова Н. Х. Шарқ мутафаккирларининг таълимий-ахлоқий қарашлари //Современное образование (Узбекистан). – 2018. – №. 8. – С. 15-19.

4. Кобилжонов К. К., Фазлиддинов Ф. С., Фозилова З. Ж. Идея совершенной личности в трудах мыслителей востока //Педагогическое образование и наука. – 2020. – №. 1. – С. 100-103.

5. Ortiqov O. R. TALABALAR MA'NAVIY AXLOQIY FAZILATLARINI SHAKLLANTIRISHDA "QOBUSNOMA" ASARIDAN FOYDALANISH //Conferencea. – 2023. – С. 1-5.

6. Ortiqov O. R. O'QITUVCHI FAOLIYATIDA PEDAGOGIK DEONTOLOGIYA VA KOMPENTLIKNING ROLI VA AHAMIYATI //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 42-47.

7. Amonov M. N. THE PROBLEMS OF DESIGNING PROFESSIONAL SKILLS AND INDEPENDENT TRAINING OF FUTURE TEACHERS IN UZBEKISTAN //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 3.

8. Амонов М. Н. ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЕ ОРГАНИЗАТОРСКИХ КАЧЕСТВ У УЧАЩИХСЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ КОЛЛЕДЖЕЙ //Научное пространство: актуальные вопросы, достижения и инновации. – 2020. – С. 9-14.

9. Бобомуродова Н. Ж. Экологическая культура как общечеловеческая ценность //ББК. – 2020. – Т. 74. – С. 188.

10. Бобомуродова Н. Ж. ЗАДАЧИ ШКОЛЫ ПО ОХРАНЕ ПРИРОДЫ ШКОЛЬНИКОВ //Вопросы науки и образования. – 2021. – №. 13 (138). – С. 18-20.

11. Бобомуродова Н. Ж. Оптимальный режим питания-важный фактор правильного физического развития детей //Вестник науки и образования. – 2020. – №. 9-2 (87). – С. 61-63.